300409-1


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 29 апрель, № 85 (4748) Чоршанба


# ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 апрель куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида бўлиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари — Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчиларининг учрашувида иштирок этди.**



Ушбу жамғармага Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил 4 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида асос солинган. Унинг асосий мақсади Орол инқирози туфайли зиён кўрган ҳудудларда экологик аҳволни яхшилашга қаратилган илмий-амалий лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш, умумий ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топишдан иборат.

Олмаота учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов иштирок этди.

Маълумки, 1994 ва 2002 йилларда Орол денгизи ҳавзасида экологик аҳвол ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича аниқ саъй-ҳаракатлар дастурлари ишлаб чиқилган эди. Бу дастурларга мувофиқ, қатор лойиҳалар амалга оширилди. Амударё дельтасида сунъий ҳавзалар барпо этиш, Орол денгизининг қуриган қисмида дарахт кўчатлари ўтказиш каби лойиҳалар шулар жумласидандир. Президентлар жамғарма Ижроия қўмитасига Орол денгизи ҳавзасида экологик аҳвол ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича аниқ саъй-ҳаракатларнинг янги дастурини ишлаб чиқишни топширишга келишиб олдилар.

Бугун Орол инқирозининг даҳшатли оқибатлари ҳеч кимга сир эмас. Амударё дельтасининг ўзида кўллар майдонига оид кўрсаткич 26 минг гектарга тушиб қолган. Денгиз атрофида юзлаб километрларга чанг ва туз тарқалмоқда. Шўрхок ерлар майдони кенгайиб, бу борадаги кўрсаткич 85 минг гектардан 273 минг гектарга кўтарилди. Қамишзор ва тўқайлар майдони эса, аксинча, 20-25 баробар қисқарди. Дарёларда сув камайиши ичимлик суви таъминотида муаммолар келтириб чиқарди, денгиз қуриши эса унинг атрофида иқлим ўзгаришларига олиб келди.

Президентлар Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш, бу ҳудудда бажарилиши зарур бўлган долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифалар, сувдан тежамли фойдаланиш технологиялари ҳамда сув ва ўрмон мелиорацияси соҳаларида ҳамкорлик билан боғлиқ ва ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикрлашдилар.

Президентлар сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншоотлари барпо этиш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Айни пайтда трансчегаравий дарёларнинг юқори оқимида жойлашган мамлакатлар янги ГЭСлар қуриш ниятида экани яхши маълум. Бундай ҳаракатлар трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмидаги давлатларга жиддий зиён етказиб, минтақадаги мураккаб экологик аҳвол янада ёмонлашишига олиб келади. Марказий Осиё фаол сейсмик зона эканини ҳисобга олсак, тўғонларнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ҳам юзага чиқади.

Шундай экан, трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншооти қуриш учун барча қўшни давлатлар билан бамаслаҳат иш тутиш, халқаро экспертларнинг мустақил экспертизасини ташкил қилиш, уларнинг тўғонлар хавфсизлиги кафолатлангани ва экологияга путур етмаслиги тўғрисидаги хулосасини олиш зарур.

Марказий Осиё давлатлари бу масалаларни ўзаро келишган ҳолда ечишга қодир. Сув-энергетика захираларидан фойдаланиш масаласи, айрим мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётгандек, ечими йўқ муаммо эмас. Бу борада маслаҳатлашувлар қизғин мунозара билан ўтиши мумкин. Лекин бу минтақа давлатлари ўзаро келиша олмайди, дегани эмас. Чунки Марказий Осиёдаги бирор давлатда муаммо юзага келса, минтақанинг бошқа мамлакатларига ҳам таъсир кўрсатиши барчага аён. Шу боис қўшни давлатлар бир-бирининг барқарорлигидан манфаатдордир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент – Олмаота – Тошкент.**
**Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Саноатнинг юқори технологияга асосланган тармоқлари, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш учун илғор таълим стандартлари даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси, "Женерал Моторс" корпорацияси ва Турин политехника университетининг (Италия Республикаси) Тошкент шаҳрида Турин политехника университетини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Турин политехника университети (Италия Республикаси), "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва бошқа манфаатдор хўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналари томонидан нотижорат ташкилот сифатида ташкил этиладиган олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Турин политехника университетида (Италия Республикаси) қабул қилинган таълим дастурларига ҳамда олий таълим сифатига қўйиладиган умумий эътироф этилган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад ва вазифаларига мувофиқ, автомобиль, машинасозлик ва электротехника саноати, энергетика, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш корхона ва ташкилотлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш Университетнинг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Тошкент шаҳрида Турин политехника университетини ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Университет Турин политехника университети (Италия Республикаси) билан тузиладиган сервис ва лицензия битимлари асосида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, 2-иловага мувофиқ асосий таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича барча даражалардаги мутахассислар, шу жумладан, илмий-педагогик кадрлар тайёрлайди, шунингдек, кадрлар тайёрлашнинг асосий йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширади;

абитуриентларни қабул қилиш ва Университет битирувчиларини аттестациядан ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, Турин политехника университетида (Италия Республикаси) белгиланган тартиб, талаб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

талабаларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, Турин политехника университети (Италия Республикаси) ўқув режалари ва дастурлари бўйича олиб борилади;

Университет битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган Турин политехника университетининг (Италия Республикаси) белгиланган намунадаги дипломи берилади.

Университетга 2009/2010 ўқув йиллари учун бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул квотаси 200 киши этиб белгилансин.

4. Турин политехника университети (Италия Республикаси):

Университетда илғор педагогика ва ахборот технологиялари, илм-фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланишга асосланган ҳолда, ўқув-услубий раҳбарликни ва ўқув жараёнини амалга оширишни таъминлаши;

Университетнинг кутубхона фондини шакллантириш ва уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техника адабиётлари билан тўлдиришга, ўқув-лаборатория базаси ҳамда замонавий ахборот марказини ташкил этишга кўмаклашиши;

ўзбекистонлик ёш ва истиқболли илмий-педагог кадрларнинг малакасини, шу жумладан, чет элда оширишга кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда).



***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталарининг семинари бўлиб ўтди.***

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

"Мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда ёш ҳуқуқшунос тарғиботчиларнинг ўрни" мавзуига бағишланган ушбу тадбир республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Айтиш жоизки, юртимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Қолаверса, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди.

Тадбирда қайд этилганидек, халқимизнинг ҳуқуқи, эрки, ижтимоий адолатга садоқати Асосий Қонунда, яъни Конституциямизда ифода этилгандир. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксак даражага кўтариш ҳамда уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ислоҳотлар омилининг муҳим шартларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорида Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она-юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш каби долзарб вазифалар белгилаб берилган. Шу боис иштирокчилар ўсиб келаётган ёш авлодни юртимизнинг шон-шуҳратини оширишга хизмат қиладиган етук кадрлар этиб тарбиялаш, уларда Ватан туйғусини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Семинарда ҳуқуқ соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг аҳамияти, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, бу жараёнларда бевосита ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ ЯНА БИР БОР ЎЗИНИНГ ЯШОВЧАН ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ИСБОТЛАДИ

***Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

**Дунё нигоҳи**

Тадбирда Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари, олимлар, Дипломатия академияси ва Россия Фанлар академияси академик институтларининг экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тақдимотни Ўзбекистоннинг Россиядаги элчиси И. Неъматов очиб, Президент Ислом Каримов асарининг асл моҳияти ҳамда 2008 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим натижалари тўғрисида сўзлаб берди. Тадбирда Ўзбекистон Президентининг янги асари ҳақида таниқли олим ва сиёсатчилар ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

**Дипломатия академиясининг халқаро долзарб муаммолар институти катта илмий ходими, профессор Б. Ашавский**: «Ислом Каримовнинг китоби, биринчидан, иқтисодий ва молиявий инқироз шароитида жаҳон хўжалигига асосли баҳо берилган жиддий таҳлилий асардир.

Иккинчидан, энг муҳими, жаҳонда «Ўзбек модели» деб тан олинган тараққиёт модели яна бир бор ўзининг яшовчанлиги ва самарадорлигини тасдиқлади. Менимча, Ўзбекистон ўз вақтида маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг эволюцион йўлини танлаганига эътироз билдириш қийин. Тан олиш керак, бу йўл ўз афзаллиги билан Ўзбекистонни бошқа давлатлардан ажратиб туради».

Б. Ашавскийнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг асари яна бир бор инқирозни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистонга хос ёндашувни, фақат «ёнғин чиққанда» ишлайдиган ўт ўчирувчилар сингари иш юритишга асосланмай, келажакда, инқироздан кейинги даврда, Ўзбекистон жамияти ва иқтисодиёти мураккаб вазиятдан нафақат жиддий йўқотишларсиз чиқиши, балки самарали ривожлана олишида муҳим ўрин тутадиган амалий ва комплекс хусусиятга эга эканлигини исботлайди».

**Давлат маслаҳатчиси, сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор И. Кругових** 1992 йилдаёқ Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ислоҳотларнинг ўзбек моделига асос бўлган бешта тамойил ҳақида батафсил тўхталди.

(Давоми 2-бетда).

# ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙҒУНЛИГИ

## иқтисодиёт тармоқлари ривожининг гаровидир



***Кеча Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида II республика инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркаси иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз олимларининг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа ривожига хизмат қилувчи энг истиқболли ишланмалари намойиш қилинмоқда.***

Бу ерга келган киши Ўзбекистон илмий-техник салоҳияти тобора юксалиб бораётганига яна бир бор амин бўлади. Шубҳасиз, кейинги йилларда яратилаётган юқори самарали тажриба-конструкторлик ва технологик лойиҳалар муаллифлари давлатимиз томонидан рағбатлантирилаётгани, энг муҳими, янги ишланмалар саноат ишлаб чиқаришига татбиқ этилаётгани муваффақиятлар омили бўлаётир. Фан ва ишлаб чиқаришнинг бундай уйғунлашуви импорт ўрнини босувчи ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг йил сайин ошишини таъминлаётир. Анъанавий ўтказилаётган ярмаркани мазкур жараённинг дебочаси, дейиш мумкин. Негаки, замонавий ишланмалар илк бор шу ерда тақдим этилади.

Ярмарканинг очилишида сўзга чиққанлар инновацион технологияларнинг кенг жорий қилиш ҳозирги жаҳон молиявий инқирозини бартараф этиш ва жаҳон бозорига чиқишнинг ишончли йўли эканлиги Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда чоп этилган "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида белгилаб берилганини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда янги ишланмаларни ишлаб чиқаришда кенг қўллаш масаласига жиддий этибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.

Бултурги ярмарка доирасида 550 дан ортиқ шартнома имзоланган эди. Ўтган даврда улар орасидан қисқа муддатга мўлжалланган 57 таси муваффақиятли бажарилди. Ўрта ва узоқ муддатли шартномалар ижроси ҳам изчил таъминланмоқда. Бунинг шарофати туфайли жорий йилда 6 миллиард сўмлик иш бажарилади.

Бу галги ярмарка натижалари янада юқори бўлиши кутилаяпти. Чунки тадбир ўтган йилги тажрибадан келиб чиққан ҳолда юқори савияда ташкил этилди. Унда 120 дан ортиқ илмий ва илмий-тадқиқот, олий таълим ва тажриба-конструкторлик ташкилотлари 600 га яқин янги технология ва ишланмалари билан иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

5. Белгилансинки, Университет фаолиятини молиялаштириш:

талабаларнинг тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушадиган маблағлар, шу жумладан, манфаатдор ташкилотлар томонидан талабалар билан тузилган контрактлар асосида бериладиган грантлар;

Университет Ҳомийлик кенгаши қарорлари асосида жалб қилинадиган бошқа маблағлар, шунингдек, ҳомийлар маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети Ҳомийлик кенгашининг шахсий таркиби 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

6. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети барча турдаги солиқлардан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича республикамизга Университетни реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун олиб келинадиган асбоб-ускуналар, компьютер ва ташкилий техника, адабиёт, мультимедия маҳсулотлари, қурилиш материаллари, жиҳозлар ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 5 йил муддатга озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва Университет буюртманомалари бўйича Университетнинг ушбу қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган чет эллик профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимлари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визаларини консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва Университет буюртманомалари бўйича Университетнинг чет эллик профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимларига, уларнинг оила аъзоларига, давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда, кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, вақтинчалик яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасига чет эллик профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларни жалб қилиш учун Университетга, уни давлат божи тўлашдан озод этган ҳолда, белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини таъминласин.

10. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қуйидаги манзилдаги туташ ҳудудга эга бинолар комплексида жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, Ниёзов кўчаси (Кичик ҳалқа йўли), 17-уй.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда юқорида кўрсатилган туташ ҳудудга эга бинолар комплексини "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси балансига, 2009/2010 ўқув йили бошлангунга қадар бинолар комплексини компания томонидан реконструкция қилиш ва Университетни зарур мебеллар, жиҳозлар, ўқув ва лаборатория анжомлари, компьютер ва бошқа ташкилий техника билан замонавий талабларга мувофиқ жиҳозлашни таъминлаш шарти билан беришни назарда тутадиган қарор қабул қилсин.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 27 апрель

***XX асрда дунё миқёсида индустрлаштиришга тобора эътибор кучайди. Натижада сармояларнинг асосий қисми саноат тармоқларини шакллантириш ва ривожлантиришга сарфланди. Қолаверса, умумжаҳон миқёсида урбанизация (шаҳарлашув) суръатлари тезлашаётир. Гарчанд шундай бўлса-да, дунё аҳолисининг кўпчилиги ҳамон қишлоқларда яшамоқда. Зикр этилган омилларнинг ўзаро номувофиқлиги оқибатида асосий капиталлар ҳамда инвестицияларнинг шаҳар ва қишлоқ ўртасида тақсимланишидаги номутаносиблик яққол сезилмоқда.***

# ЮКСАЛИШНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Содда қилиб айтганда, иқтисодиётда айланаётган маблағларнинг асосий қисми саноатлашган мегаполислар ҳисобига тўғри келаётгани туфайли шаҳар ва қишлоқ ҳаёт даражасидаги фарқ ҳам ортиб бормоқда.

Табиийки, дунё мамлакатлари аҳолисининг шаҳар ва қишлоқ аҳолисига бўлиниш нисбати турлича. Лекин шуниси аниқки, уларнинг кўпчилигида қишлоқ аҳолисининг нисбати шаҳарникидан баланд. Яқин-яқингача Ўзбекистон ҳам ана шундай мамлакатлар қаторига киритилар ва аграр-индустрлашган давлат ҳисобланарди. Айнан шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги тараққиёти ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш масалалари мустақилликнинг илк палласиданоқ давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлди. Бундай эътиборнинг хайрли самарасига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Эндиликда мамлакатимиз аҳолиси жойлашуви нисбати тубдан ўзгармоқда. Хусусан, бугунги кунга келиб, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси деярли тенглашди, десак, хато бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йиллар мобайнида қабул қилган қарор ва фармонлари боис қишлоқ аҳолисининг томорқалар билан таъминлангани, фермерлик ва чорвачиликни рағбатлантиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилгани қишлоқларни газлаштириш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, уларда замонавий тиббий хизмат тармоқларини ривожлантириш, таълим муассасаларини модернизация қилиш йўлида улкан ишлар амалга оширилгани қишлоқларимиз турмуш даражаси янада юксалишини таъминлади. Бундан-да муҳими, амалга оширилаётган ислоҳотлар аграр секторнинг мазмун-моҳиятини ўзгартириб, уни бугунги дунё тараққиёти талаблари келтириб чиқараётган зарурат — озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш эҳтиёжларига тобора кўпроқ мослаштирмоқда. Гапимизнинг исботи сифатида айрим мисолларни келтириб ўтсак. Деҳқончилик учун анчагина мураккаб келган 2008 йилда Ўзбекистонда 6 миллион тоннадан ортиқ ғалла етиштирилди, 18 мингдан зиёд оила бепул қорамол билан таъминланди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида эришилган натижалар ҳам аграр секторда барқарорлик касб этаётган янгича иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг хайрли натижалари сифатида баҳоланиши мумкин. Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз томонидан бот-бот таъкидланган фикр – ҳаётни ўзгартириш учун, энг аввало, одамларнинг тафаккурини ўзгартириш лозим, деган ҳақиқат бугун ўзининг яратувчан кучини кўрсатмоқда.

**2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**

Таъкидлаш ўринлики, давлатимизнинг қишлоқларни замонавийлаштириш борасидаги фаолияти узлуксиз давом этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори ҳам қабул қилинди. Унга биноан, бугун амалда шаҳар типидаги инфратузилмага эга бўлган йирик қишлоқларнинг янги мақомини расмийлаштириш ва уларнинг номларини ҳам тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш назарда тутилган.

Албатта, бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Уларнинг негизида давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган ва пухта ўйланган режаси ётганига бугун халқимиз такрор ва такрор амин бўлмоқда. Фикримизга далил тариқасида мисол келтирамиз. Маълумки, ҳар қандай соҳа каби, қишлоқ хўжалиги тараққиётида ҳам, биринчи навбатда, тегишли тадбирларни молиялаштириш масаласи муҳим ўрин тутади. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги Фармонига биноан ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначилик ҳамда оилавий бизнесни ривожлантиришга ихтисослаштирилган "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки мазкур вазифани тизимли асосда ҳал этишнинг самарали механизмига айланди. Ўтган давр мобайнида активлари 3,5 баробарга ошган ушбу молия муассасаси бугунга келиб, республикамизда фаолият юритаётган саксонга яқин филиал ва икки юз етмишдан ортиқ мини банкларга эгалик қилмоқда. Энг муҳими, банк 140 мингдан ортиқ мижоз билан ҳамкорлик ўрнатиб, уларни 150 миллиард сўмдан ошиқ кредитлар билан таъминлади.

Бундай шароитда 2009 йилнинг Ўзбекистонда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилингани чуқур маънога эга. Бу билан Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида халқ хўжалигининг энг муҳим йўналишига устуворлик берилмоқда, дейиш мумкин. Янги даврга оид инсоният тараққиёти тажрибасига эътибор берилса, узоқни кўзлаган давлатлар инқирозли босқичларда барча имкониятларни ўз иқтисодиётининг асосий соҳаларини модернизация қилишга сафарбар этгани аён бўлади. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида ўз ифодасини топган мақсад ва вазифалар ҳам айни шу ҳаётий вазифани амалга оширишга йўналтирилган. Қишлоқдаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ иқтисодий ислоҳотларга янги нафас бағишлаш, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг энг замонавий усулларини жорий қилиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қисқа қилиб айтганда, аграр секторни эртанги кун талабларига мос равишда модернизация қилиш мазкур дастурнинг асосини ташкил этади. Дастурда назарда тутилган қишлоқ аҳоли пунктларининг транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, энергия ва газ таъминоти тизимларини модернизациялаш, олис қишлоқларни телекоммуникация тармоқлари ва почта хизматлари билан қамраб олиш, қишлоқда барпо этилаётган объектларни қуришда замонавий йиғма технологиялардан кенг фойдаланиш каби вазифаларнинг ижроси, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида назарда тутилган – янги ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлашни кўзлаган режалар ҳам "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастурини амалга оширишга ёрдам беради. Жумладан, имтиёзли кредит жамғармаси ресурс базаси икки баробарга оширилмоқда. Мавжуд имтиёзлар амал қилишининг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойгача узайтирилаётир. Баъзи турдаги кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилиб, айримлари ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай умуммиллий дастурнинг муваффақияти, энг аввало, мамлакат аҳолисининг бундай дастур ижроси йўлида нечоғлик жипслашиб ҳаракат қилишига боғлиқдир. Бу эса ҳар биримиздан масъулият ва ўз ишимизга фидойиликни талаб этади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, дастурларда белгиланган вазифалар ҳар қайси ҳудуд бўйича қандай ижро этилаётганига қараб, мутасадди шахсларнинг ушбу дастур орқали қўйилган вазифани қай даражада тушуниши ва бажарилишини таъминлаш, қисқача айтганда, уларнинг замонавий раҳбарга нисбатан қўйиладиган талабларга қанчалик жавоб бериши тўғрисида хулоса чиқариш имкони пайдо бўлади.

**Тоҳир ШАЙМАНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙҒУНЛИГИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

– Ярмаркага олимларимиз томонидан яратилган 30 дан зиёд янги ишланмалар қўйилган, – дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг илмий ишлар бўйича проректори Анвар Жўраев. – Шунинг 10 дан зиёди пахта саноати учун мўлжалланган инновация ғоялари, замонавий жиҳозлар ва лойиҳалардир. Булар иштирокчиларда иқтисодий тежамкорлиги, маҳаллий хом ашё негизида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини кенгайтиришга йўналтирилгани билан катта қизиқиш уйғотмоқда. Ярмарканинг биринчи кунида 26,5 миллион сўмлик шартномалар имзолангани бунинг яққол далилидир.

Ярмарка залларини айлансангиз, тизимдаги бугунги янгиликлардан тўлиқ хабардор бўласиз. Нега деганда, иштирокчилар маҳсулотлари мавзулар бўйича маълум йўналишлар бурчакларида батартиб намойиш қилинаяпти. Яъни ярмарканинг саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, фан ва таълим сингари йўналишлари ишлаб турибди.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтига ажратилган жой фермерлар билан гавжум. Сабаби, бу ерда қишлоқ хўжалиги учун 9 йўналишдаги ишланмалар тақдим этилаяпти.

– Қишлоқ хўжалиги чиқиндисини қайта ишлаш ва утилизация қилиш орқали биогаз олинадиган ускунамизга кўплаб буюртмалар олаяпмиз, – дейди институт ректори вазифасини бажарувчи Ризамат Шодиев. – Фермер хўжаликлари учун мўлжаллаб яратилган ушбу ускуна ёрдамида бир тонна чорва чиқиндисидан 300-350 куб метр биогаз ҳосил қилинади, айни пайтда қисқа муддатда органик ўғит олинади. Яна бир лойиҳамиз орқали зовур ва коллектор сувлари шўрсизлантириб берилади. Бу сувдан саноат корхоналарида бемалол фойдаланиш мумкин.

Ярмарканинг биринчи иш кунини сарҳисоб қилиб, унинг натижаларидан хурсанд бўлиб турибмиз. Негаки, имзолаган шартномаларимиз 58,6 миллион сўмликни ташкил этди. Шундан келиб чиқиб, ярмарка давомида унинг ҳажмини 100 миллион сўмга етказишни мўлжалламоқдамиз.

Ярмаркага қўйилган бирор ишланма иштирокчиларни бефарқ қолдирмайди. Чунки уларнинг асосий қисми импорт ўрнини босувчи маҳсулот ва технологиялардир. Бундай инновация маҳсулотлари экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, пировардида иқтисодиётимизнинг янада ривожланишига хизмат қилади, албатта.

Ярмарка иши уч кун давом этади.

Инновациялар ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Э.Зоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Қосимов, Э.Шоисматов, У.Розиқулов иштирок этди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

***Термизда ёшларнинг онг ва тафаккурини шакллантиришда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

# ЗАМОН ВА ЁШЛАР ТАФАККУРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда қуйи палата депутатлари, вилоят ҳокимлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш, Матбуот ва ахборот агентликлари вилоят бошқармалари ходимлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Таҳлил**

Дарҳақиқат, ҳозирги глобаллашув жараёнида турли таҳдидларга қарши курашни кучайтириш, бу борада, биринчи галда, ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораяпти. Зеро, Президентимиз ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, бугунги мураккаб ва қалтис вазиятда оммавий ахборот воситалари ходимларидан, аввало, ҳали ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, онгу тафаккури, ахлоқий қарашлари эндигина шаклланиб келаётган ёшларимизни маънавий жиҳатдан қуроллантиришга ёрдам бериш талаб этилади.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, ёш авлодни аждодларимиз томонидан бунёд этилган қадимий ёдгорликлар тарихидан хабардор қилиш, уларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта тиклаш бўйича олиб борилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказишда маҳаллий ОАВнинг фаоллиги айни зарурат-дир. Зеро, Сурхондарё ўзининг бой тарихига — 360 дан зиёд республика ва маҳаллий аҳамиятга молик маданий мерос объектларига эга. Хусусан, Тешиктош ғори неандерталь одамнинг манзилгоҳи, дея жаҳонда тан олинган. Сополлитепа ёдгорлиги эса бронза даврининг йирик маданий марказларидан бири бўлган. Қолаверса, вилоят халқ оғзаки ижодига минг йиллардан бери нафақат мамлакатимизнинг, балки жаҳон маданиятининг бебаҳо мероси сифатида қаралади. Мана шу мерос, уни яратган аждодларимиз фаолиятини ёшларга содда йўллар билан тушунтириш ва шу орқали уларда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш лозимлигини қатнашчилар алоҳида таъкидладилар.

Айтиш жоизки, вилоятда фаолият юритаётган барча ОАВ ҳам ушбу тамойилга тўла амал қилаяпти, деб бўлмайди. Уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиши, бу ишларни ташкиллаштиришда ёшларга мос, қизиқиш ва интилишларига ҳамоҳанг тарзда фаолият юритиш долзарблик касб этмоқда.

Шу боисдан тадбир сўнггида журналистлар фаоллигини ошириш, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз ҳақида кўрсатув, эшиттириш ёки мақола тайёрлашда жонли, профессионал ёндашиш кутилган самарани бериши таъкидлаб ўтилди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ ЯНА БИР БОР ЎЗИНИНГ ЯШОВЧАН ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ИСБОТЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Бу борада Ўзбекистоннинг тажрибаси аён, — деб таъкидлади И. Кругових. — Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати, ривожланишнинг 2008 йил якунлари шуни кўрсатадики, мазкур беш тамойил бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Биринчидан. Ўзбекистон 90-йилларнинг фожиали хатоларини четлаб ўтишга ҳамда 1998 йилги ва ҳозирги инқирозни муваффақият билан қарши олишга эришди.

Иккинчидан. Пухта ўйланган ва узоқ муддатли сиёсат иқтисодиётга мустаҳкам захирага эришиш имкониятини берди, яъни мавжуд бой ресурслар беҳудага исроф қилинмади, олтин қийматидаги валюта захиралари тежалди ва ривожланиш истиқболининг хавфсизлигини таъминловчи омил сифатида кўпайтирилди.

Учинчидан. Давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги муҳим ўрни шу вақтгача сақланиб келинди. Бунга Ўзбекистонда 1991 йилдан буён ўтган давр мобайнида пахта хом ашёсини қайта ишлаш миқдори изчиллик билан ошиб боргани мисол бўла олади.

Тўртинчидан. Ислом Каримовнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш усуллари нафақат бугунги вазифаларни ҳал этишга, балки инқироздан кейинги даврда ривожланишга ҳам асосланганлиги билан қимматлидир.

Бешинчидан. Ўзбекистон жамияти ва иқтисодиётининг инқироздан талафот кўрмай чиқиш борасидаги ўзгармас ва изчил мақсадга эришиши, яъни мавжуд муваффақиятларни сақлаб қолиш ва инновацион технологиялар асосида ўзининг замонавий маҳсулотлари учун янги бозорларга эга бўлишидир.

Олтинчидан. Ўзида теран миллий манфаатлар ва анъаналарни жамлаган ўзбек модели айни пайтда ўз асосига кўра тараққиётнинг умумбашарий шаклига зид эмас».

И. Круговихнинг қайд этишича, унга «Единая Россия» партияси раҳбарияти томонидан Ислом Каримовнинг китоби асосида Ўзбекистон тажрибасини инобатга олган ҳолда Россия иқтисодиётининг инқироздан чиқиш чоралари дастури учун давлат раҳбарларига партиянинг таклифлари ўз аксини топган таҳлилий ҳужжат тайёрлаб бериш расман топширилган.

И. Кругових мулоҳазаларини шундай сўзлар билан якунлади: «Мен шуни таъкидламоқчиманки, Ислом Каримовнинг асари биз Ўзбекистон тажрибасидан бир қанча жиҳатларни ўрганишимиз лозимлигини тасдиқлайди».

**Дипломатия академияси МДҲ мамлакатлари маркази директори С. Жильцов**нинг фикрига кўра, Ўзбекистон ўз вақтида урф бўлган назарияларга эргашмади, дунё иқтисодиёти ва молия тизимидаги ҳозирги экстремаль шароитда барқарор ривожланиш имконини бераётган ўз йўлини танлашга эришгани муҳим аҳамият касб этади.

**РФ Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатия академияси жаҳон иқтисодиёти ва глобал масалалар маркази раҳбари, Россия Федерацияси Фавқулодда ва мухтор элчиси Георгий Рудов**:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг молиявий инқирозни бартараф этиш борасидаги китобига бағишланган тақдимот Дипакадемия ходимлари, профессор ва ўқитувчиларида катта таассурот қолдирди.

Бутун дунё иқтисодий инқироз талвасасига тушиб қолган бир пайтда Президент Ислом Каримов ўз мамлакатида тараққиётга хизмат қиладиган фаолиятнинг барча йўналишларини бирлаштириб, олдинда турган мураккаб аҳволдан чиқиш даврига мўлжалланган дастурни белгилай олди.

**«Нефтегазовая вертикаль» журнали бош муҳаррири Андрей Мещерин**:

— Биз жуда муҳим, қизиқарли ва долзарб тадбирнинг, Ўзбекистон Президенти томонидан ёзилган инқироздан чиқиш ва бу борадаги тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича амалий таклифларни ўз ичига олган, ўзига хос тажриба умумлаштирилган асар тақдимотининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу барча мамлакатларнинг "бошини оғритадиган" ўта муҳим масала бўлиб, фикр алмашиш, зарур амалиётни ахтариш, тажриба алмашиш, қўшма қарорлар ишлаб чиқиш жуда катта аҳамиятга эга. Бизда инқироз таъсирини бартараф этиш борасидаги Ўзбекистон тажрибасига катта қизиқиш бор. Ўйлайманки, асарда келтирилган жуда кўп жиҳатлар нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки Россия ва бошқа Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам қўлланилиши фақат фойда бериши мумкин

**РФ Иқтисодий тараққиёт вазирлиги Макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бандлик сиёсати маркази бошлиғининг ўринбосари Анатолий Топилин**:

— Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон шароитида молиявий инқироз масалаларига оид китоби билан танишиб чиққач, эркин иқтисодий бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг ҳақчиллиги тўғрисидаги фикримнинг тўғри эканлигига амин бўлдим. Таъкидлашим жоиз бўлган иккинчи жиҳат 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши дастурдир. Мен бунга мутлақ қўшиламан. Зеро, гап нафақат инқироздан ҳимояланиш ҳақида, балки инқироздан кейинги даврда ҳам иқтисодий ривожланишнинг барча асосий йўналишларини янги, инновацион асосда йўлга қўйиш ҳақида бормоқда.

**РФ Давлат Думаси раисининг собиқ маслаҳатчиси, сиёсий консультант Николай Гульбинский**:

— Ўзбекистон Президентининг китоби биз, олимлар, тадқиқотчилар учун катта аҳамиятга эга. Биз ҳаммамиз жаҳон инқирозини келтириб чиқарган сабаблар ҳақида, унинг авж олиши ва ундан чиқишнинг йўллари ҳақида бош қотирамиз. Китобда, назаримда, Россия учун ҳам фойдадан холи бўлмаган муҳим жиҳатлар бор. Албатта, ҳар бир мамлакат ўзига хос, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ўз тараққиёт моделига, инқироздан чиқишнинг йўллари борасида эса, ўзининг мустақил қарашларига эга. Мен мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратмоқчи эдим. Назаримда, жаҳон иқтисодий инқирозининг асосий сабабларидан бири шуки, аслида сўнгги йиллар давомида «абадий двигатель» дея аталмиш молиявий механизмни яратиш борасида уринишлар бўлиб, бунда, очиғини айтганда, бойлик ҳеч қаердан ундирилмади, балки фақат энергия манбалари нархларини кўтариш ҳисобигагина оширилди, холос. Акциялар қиймати ва корхоналарнинг капиталлашуви баъзи мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотига нисбатан анча тез ўсди. Кўпчилик ҳеч қандай саъй-ҳаракатсиз бойиб кетишимиз мумкин, деб ўйлади. Тажриба шуни кўрсатдики, ҳеч бир куч сарфламасдан, фақат қимматли қоғозлар ҳисобига бойиб кетиб бўлмайди. Бойиш мумкин, энг аввало, иқтисодиётнинг реал тармоғи ҳисобига. Ва бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг китобида ҳаққоний тарзда айтилган. Шунингдек, китобда банк тизимига ҳам асосли тарзда катта эътибор қаратилади. Лекин энг муҳими, албатта, бу иқтисодиётнинг реал тармоғидир. Яъни бу ишлаб-чиқариш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, унинг бир ёқлама хом ашёга йўналтирилишига барҳам бериш, демакдир. Бу Россия учун ҳам жуда муҳим. Ушбу жиҳат бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири экани Президент асарида яққол кўзга ташланади.

Мен эътибор қаратмоқчи бўлган иккинчи йўналиш — бу инфратузилмани, энг аввало, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш. Бунга маҳсулот таннархида транспорт харажатларини камайтириш, янги иш ўринлари яратиш, мамлакат ҳудудларининг сармоявий жозибадорлигини ошириш каби жиҳатлар ҳам киради. Бу икки муҳим устун — реал тармоқ ва инфратузилма — янада кўпроқ мустақил бўлишга, яъни ўз қобиғига ўралиб олиш учун эмас, балки айнан ташқи дунёга, жаҳон бозори конъюктурасига, энергия манбалари нархларига қарамликдан имкон қадар кўпроқ мустақил бўлишга муносиб замин яратади. Бу соҳаларни ривожлантириш инқироздан чиқиш ва барқарор иқтисодий тараққиёт учун пойдевор бўлади. Бу ажойиб, барча учун муҳим ва фойдали бўлган мазкур асарда акс этган икки муҳим хулоса, десам, асло муболаға бўлмайди.

**«Жаҳон» АА.**
Москва шаҳри.

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида 2009 йилнинг биринчи чорагида пойтахтни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини бартараф этиш борасида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.***

# ПОЙТАХТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев бошқарган йиғилишда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланаётгани таъкидланди.

Тошкент шаҳрида жорий йил биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш даражаси 11,8 фоизни ташкил этди, хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11,8 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 9,1 фоиз ошди.

**Тадбир**

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, инвестицияларни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 48,3 фоиз кўп жалб этишга эришилди. Жорий йилнинг уч ойи давомида машинасозлик, енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бешта янги корхона фойдаланишга топширилди. 23 минг 332 янги иш ўрни яратилди. Хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 3,2 фоиз кўпайди.

Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан тарихий обидалар ва ёдгорликларни қайта тиклаш ҳамда таъмирлаш, янги замонавий объектлар қуриш, шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, майдонлар, кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда.

Йиғилишда иқтисодиётнинг айрим соҳа ва тармоқларидаги камчиликлар атрофлича таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

